

Офиятда бўлиб шукр қилишим яхшироқдир



08:37 / 09.04.2020 2293

Умар ибн Сакан айтади: «Суфён ибн Уяйнанинг ҳузурида эдим. Бир бағдодлик киши ўрнидан туриб, «Эй Абу Муҳаммад, сизга Муторрифнинг «Балога учраб, сабр қилгандан офиятда бўлиб шукр қилганим яхши» деган сўзи яхшими ёки унинг дўсти Абу Алонинг «Аллоҳим, менга нимани раво кўрсанг, шунга розиман» деган сўзи яхшими?» деб сўради. Суфён ибн Уяйна бир муддат сукут сақлади-да, сўнг: «Менга Муторрифнинг сўзи яхшироқ», деди. Ҳалиги киши: «Қандай қилиб, ахир унинг шериги Аллоҳ унга раво кўрган нарсага рози бўлиб турибди-ку?» деди. Суфён шундай деди: «Мен Қуръони Каримни ўқиб чиқиб, офиятда бўлган Сулаймон алайҳиссаломнинг (Довуд алайҳиссалом ҳақидаги оятлар назарда тутилган) ҳолатини кўрдим. У ҳақда: **«У (Аллоҳга) бутунлай қайтувчидир»** (Сод сураси,3-оят) дейилган. Бало етган Айюб алайҳиссаломнинг ҳолатини ҳам кўрдим. У ҳақда: **«У (Аллоҳга) бутунлай қайтувчидир»** (Сод сураси,44-оят) дейилган. Бири офиятда, бири балога учраган, лекин икковининг ҳам аҳволи тенг экан. Шукр, сабр мақомида экан. Иккиси бир хил бўлса, мен учун балодаги сабрдан офиятдаги шукр яхшироқ».

«Солиҳлар гулшани» китобидан